# Ш А Р Т Н О М А № 4

**18- январь 2022 йил.** **Асака тумани**

«Афрометан» Маъсулияти Чекланган Жамияти номидан Низом асосида иш олиб борувчи директор **А.Джалилов** бундан кейинги матнда **«БАЖАРУВЧИ»** деб аталувчи бир томондан ва **Шахрихонсой ирригация тизими бошкармаси**
(корхона ёки жамиятнинг номи)

Низом асосида иш юритувчи бошкарма бошлиги **Д.Исмоилов** бундан кейинги матнда **«БУЮРТМАЧИ»** деб аталувчи иккинчи томондан, қуйидаги шартномани шу мазмунда туздилар:

## 1. ШАРНОМА МАЗМУНИ

1.1 **«БАЖАРУВЧИ»** ушбу шартномада курсатилган ва белгиланган тартибда махсулот етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади, **«БУЮРТМАЧИ»** етказиб берилган махсулот учун тўловларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

| Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Етказиб бериш миқдори |
|---|---|---|
| Автомобилларнинг газ баллонларига сиқилган газ | М куб | 259 |

**1.2** Махсулот етказиб бериш **«БАЖАРУВЧИ»**нинг автомобилларга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ) орқали **«БУЮРТМАЧИ»**ни автомобилларининг газ баллонларига газ тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

**1.3** Махсулот етказиб бериш вақти **«БУЮРТМАЧИ»**нинг автомобилларининг газ баллонларига газ тўлдириш вақти хисобланади.

## 2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ КИТОБИ

**2.1** Шартнома тузилган вақтдаги шартноманинг умумий суммаси **699.300** (олти юз туксон туккиз минг уч юз ) сўмни ташкил қилади. Хом ашёларни, махсулотларни, иссиқлик-энергияси нархларининг оширилиши хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорига асосан нормаларнинг ўзгариши муносабати билан махсулотнинг нархи ўзгариши мумкин.**( ККС суммаси 91.224 сум)**

**2.2** Автомобилларнинг газ баллонларига тўлдирилаётган сиқилган табиий газнинг шартнома тузилган вақтдаги нархи 1 куб метр учун **2700** ( икки минг етти юз ) сўм килиб белгиланган.

**2.3** Махсулот етказиб бериш (Автомобилларнинг газ баллонларига газ тўлдириш) белгиланган тартибдаги сиқилган газни таркатиш тўлов кайдномасига асосан **«БАЖАРУВЧИ»**нинг хисоб рақамига олдиндан 100 фоиз тўлов амалга оширилгандан сўнг бажарилади. Тўлов тузилган шартномага томоннинг имзолагандан сўнг ёки хисоб варокни олгандан сўнг 3 кун ичида амалга оширилиши керак.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1 «БУЮРТМАЧИ»** автомобилларнинг техник холатига, иш вақтидаги техник хавфсизлигига, автомобил газ баллонларининг техник холатига хамда ёнғин ва экалогия хавфсизлигини олдини олиш холатларига жавобгарлиги мажбуриятини ўз зиммасига олади:

**3.2 «БУЮРТМАЧИ»** қуйидагиларга мажбур:

1. Техника хавфсизлигига, сиқиоган табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва инструкциясига, автомобил газ баллонларининг ишга яроқлигига хамда амалдаги қоидаларнинг бажарилиши;
2. Автомобил эхтиёт қисмларини ва газ баллонларини ишга ярокли холда сақлаш;
3. Йўл варақасига техник созлиги, газ баллонларнинг сони ва уларнинг геометрик сиғими тўғрисида белгилаш;
4. Белгиланган тартибда автомобил газ баллонларига газ тўлдириш учун рухсатнома олиш;

**3.3** Ишлаб чиқаришда **«БАЖАРУВЧИ»** автомобилларга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ)да техникаларни жорий ёки капитал ремонт бўлган тақдирда **«БУЮРТМАЧИ»**га жорий ремонт бошлашдан 3 кун хамда капитал ремонт бошлашдан 15 кун олдин огохлантиради.

**3.4 «БАЖАРУВЧИ»** агарда **«БУЮРТМАЧИ»** томонидан белгиланган қоидалар, газ баллон тўлдириш регламенти ва шартномада белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда, автомобилларга сиқилган табиий газ билан таъминлаш тўхтатилади.

## 4. ХИСОБ КИТОБНИНГ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

**4.1 «БУЮРТМАЧИ»**га берилган сиқилган табиий газнинг миқдори **«БАЖАРУВЧИ»**нинг ўлчов воситаси орқали хисобланади. **«БУЮРТМАЧИ»**нинг автомобилларига сиқилган газ билан таъминлаш автомобилларга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ)да (Госстандар томонидан тасдиқланган (регламент № 418 13.01.1995 й) РД Ўз 51-034-94 белгиланган АГТКШ лар орқали қуйилган сиғими ва хисоб китоби "Жадвали") орқали юритилади.

**4.2 «БУЮРТМАЧИ»** олинадиган сиқилган табиий газ учун шартноманинг 1.1 бандида белгиланганини бўйича чорак ёки ой бўйича олдиндан 100 фоиз тўлов қилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

**5.1 «БАЖАРУВЧИ»** томонидан **«БУЮРТМАЧИ»**га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун етказиб берилмаган махсулот қийматини 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

**5.2 «БУЮРТМАЧИ»** томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун етказиб берилмаган махсулот қийматини 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

**5.3** Томонлар ушбу шартномада кўрсатилмаган мажбуриятларни бажармаганлари тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича моддий жавобгардирлар.

## 6. ФОРС МАЖОР

**6.1 «БАЖАРУВЧИ»** ва **«БУЮРТМАЧИ»** қуйидаги холларда моддий жавобгарлик учун жавоб бермайдилар:

1. Магистрал газ трубаларда, шахар газ тармоғида ва электр тармоғида авария холат бўлган тақдирда олдиндан огохлантира олмаганлиги сабаб;
2. Ёнғин чиққан, ер қимирлаши, сув тошқини рўй берганда ва бошқа табиий офатлар рўй берганда;

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

**7.1** Ушбу шартнома томонлар томонидан имзолаб, худудий ғазначилик бўлимидан рўйхатга олинган кундан кучга кириб **2022 йил 31 декабр**гача амал қилади.

7.2 Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккиси юридик кучга эга бўлиб 1 нусхаси **«БАЖАРУВЧИ»** да, 2 чи нусхаси **«БУЮРТМАЧИ»**да бўлади.

**7.3** Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда томонлар асосида хўжалик суди орқали хал этилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| **«БУЮРТМАЧИ»** | **«БАЖАРУВЧИ»** |
|---|---|
| **«ШАХРИХОНСОЙ ИТБ»** | **«АФРОМЕТАН» МЧЖ** |
| Асака тумани И.Бухорий кўчаси №33 уй | Андижон шахри |
| ш/р 100021860032247042402170001 | х/р: 20208000104858063001 |
| Андижон вилояти Ғазначилик бошқармаси | Трансбанк Андижон бўлими |
| ИНН: 305916144 ОКОНХ: 01613 | ИНН: 301655694 |
| Ўзб. Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги | МФО: 01074 |
| х/р: 23402000300100001010 | ОКОНХ: 71211 |
| МБ ББ ХККМ Тошкент шахри | |
| ИНН: 201122919 МФО: 00014 | |
| Бошлиқ:____________Д.Исмоилов | Рахбар:____________А.Джалилов |
| Юрист консулт: | А.Вахобжонов |

Шахрихонсой ирригация тизими бошқармаси билан "Афрометан" МЧЖ ўртасидаги
2022 йил 18- январ кунги № 4- сонли шартномага

**Спецификация № 1**

| № | Бажариладиган иш, кўрсатилган хизмат ва олинган махсулотлар тури | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сикилган метан газ | м3 | 259 | 2 700,00 | 699 300,00 |
| **Жами:** | | | | | **699 300,00** |

Сумма: 699.300 ( олти юз туксон туккиз минг уч юз ) сўм

**ИШ БАЖАРУВЧИ** _______________ А.Джалилов

**БУЮРТМАЧИ** _______________ Д.Исмоилов